

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 3, 2022

www.psixologiyabuxdu.uz



The journal was registered with the certificate № 05-45 on February 25, 2011 at Bukhara Region Press and Information Administration of Uzbekistan Press and Information Agency

According to the resolution №201/3 as of December 26, 2013 of the Presidium of Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan the journal was included into the list of scientific journals in which scholarly articles on the scientific results of dissertations on Psychology must be published.

Address:

200117, Bukhara city,
K.Murtazoyev street, 11
Bukhara State University
Editorial and publishing
Department
Phone: +998 (97) 798-33-75

**The journal is published 4
times a year**

Website: www.psixologiyabuxdu.uz
E-mail:
nashriyot_buxdu@buxdu.uz

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2011- yil 25-fevral № 05-45-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2013-yil 26-dekabrda 2013-sonli qarori bilan psixologiya fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.

Tahririyat manzili:

200117, Buxoro shahri,
K.Murtazoyev ko'chasi, 11-uy
Buxoro davlat universiteti
"Tahririy nashriyot" bo'limi
Tel: +998 (97) 798-33-75

**Jurnal 1 yilda 4 marta
chiqadi.**

Website:
www.psixologiyabuxdu.uz
E-mail:
nashriyot_buxdu@buxdu.uz

Журнал зарегистрирован Бухарским областным управлением агентства печати и информации Республики Узбекистан. Свидетельство № 05-45 от 25.02.2011г.

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании решения ВАК №201/3 от 26 декабря 2013 года для получения учёной степени доктора психологических наук.

Адрес:

город Бухара 200117,
улица М.Икбола, 11
Бухарский государственный
университет
Редакционный отдел
тел: +998 (97) 798-33-75

**Журнал выходит 4 раза в
год.**

Website:
www.psixologiyabuxdu.uz
E-mail:
nashriyot_buxdu@buxdu.uz



PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL * НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

3-son 2022-yil. * Выпуск 3. 2022 год.

BOSH MUHARRIR – ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

BAROTOV SH. R.

Psixologiya fanlari doktori, professor.

Xalqaro Psixologiya Fanlari Akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Действительный член (академик) Международной Академии

психологических наук

TAHRIR HA Y'ATI – РЕДАКЦИОННАЯ

КОЛЛЕГИЯ:

XAMIDOV O.X.

Buxoro davlat universiteti rektori,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor

SHOUMAROV G`B.

Psixologiya fanlari doktori, professor
UMAROV B.M.

Psixologiya fanlari doktori, professor
KOZLOV V.V. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor
MALI`X S.B. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor
KOROBAYNIKOV I.A. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor
KARIMOVA V.M.

Psixologiya fanlari doktori, professor
SAFOYEV N.S.

Psixologiya fanlari doktori, professor
BEKMURODOV M.B.

Sotsiologiya fanlari doktori, professor
KADIROV U.D.

Psixologiya fanlari doktori, professor
JABBOROV A.M.

Psixologiya fanlari doktori, professor
OLIMOV Sh.Sh.

Pedagogika fanlari doktori, professor
JUMAYEV R.G`.

Siyosiy fanlari fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD), dotsent

NISHONOVA Z.T.

Psixologiya fanlari doktori, professor

NAZAROV A.M. Psixologiya fanlari
bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

IBODULLAYEV Z.R.

Tibbiyot fanlari doktori, professor

BEGMATOV A.S.

Falsafa fanlari doktori, professor

HUSEYNOVA A.A.

Falsafa fanlari doktori, professor

MUXAMEDOVA D.G.

Psixologiya fanlari doktori, professor

RUXIYEVA X.A.

Psixologiya fanlari nomzodi, professor

BAROTOVA D.SH.

Psixologiya fanlari doktori, dotsent

ZARIPOV G.T.

Texnika fanlari nomzodi, dotsent.

MUHARRIRLAR – РЕДАКТОРЫ:

Usmanova M.N. – psixol.fan.nom., dotsent

Muxtorov E.M. – psixol.fan.nom., dotsent

Raxmatova M.M. – filologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Abzalova M.K. - filologiya fanlari doktori,

professor

Sobirova D.A. – psixologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD)

TEXNIK MUHARRIRLAR – TEX.

РЕДАКТОРЫ:


Ostanov Sh.Sh., Shirinova M.Sh.,

Tilavov M.H.

MAS'UL KOTIB – ОТВ. СЕКРЕТАРЬ

Sayfullayeva N.Z. – pedagogika fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD)



PSYCHOLOGY

SCIENTIFIC JOURNAL

Issue 3: 2022

EDITOR-IN-CHIEF:
BAROTOV SH. R.

Doctor of Psychology, professor, the member (academician) of International Academy of Psychological Sciences

EDITORIAL BOARD:

XAMIDOV O.X.

Doctor of Economic Sciences, Professor,
The rector of Bukhara State University

SHOUMAROV G.B.

Doctor of Psychology, Professor
UMAROV B.M.

Doctor of Psychology, Professor
The assistant of the editor-in-chief

KOZLOV V.V. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor
MALIKH S.B. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor
KOROBAYNIKOV I.A. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor
KARIMOVA V.M.

Doctor of Psychology, Professor
SAFOEV N.S.

Doctor of Psychology, Professor
BEKMURODOV M.B.

Doctor of Sociology, Professor
KADIROV U.D.

Doctor of Psychology, Professor
JABBOROV A.M.

Doctor of Psychology, Professor
OLIMOV Sh.Sh.

Doctor of Pedagogical sciences,
Professor

JUMAEV R.G.

PhD in Political Sciences, Docent
NISHONOVA Z.T.

Doctor of Psychology, Professor
NAZAROV A.M.

PhD of Psychology

IBODULLAEV Z.R.

Doctor of Medical Sciences, Professor
BEGMATOV A.S.

Doctor of Philosophy, Professor
HUSEYNOVA A.A.

Doctor of Philosophy, Professor
MUXAMEDOVA D.G.

Doctor of Psychology, Professor
RUXIYEVA X.A.

Candidate of Psychology, Professor
BAROTOVA D.SH.

Doctor of Psychology, Docent
Zaripov G.T.

Candidate of technical sciences, Docent

EDITORS:

Usmanova M.N. – Candidate of
Psychology, Docent

Mukhtorov E.M. – Candidate of
Psychology, Docent

Raxmatova M.M. – Doctor of
Philosophy in Philological Sciences
(PhD), Docent

Abzalova M.K. – Doctor of Philological,
Professor

Sobirova D.A. PhD of Psychology

TECHNICAL EDITORS:

Ostanov Sh.Sh, Shirinova M.Sh.,
Tilavov M.Kh.

EXECUTIVE SECRETARY

Sayfullaeva N.Z. – Doctor of Philosophy
in Pedagogical Sciences (PhD)





Хусейнова Абира Амановна,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг
(Омбудсманнинг) Бухоро вилояти минтақавий вакили,
Фалсафа фанлари доктори, профессор

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада жамият тараққиётида инсон ҳуқуқларининг ўрни тадқиқ қилинган. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий механизмларига эътибор қаратилган. Ҳуқуқий таълимотлар тарихида инсон ҳуқуқларига оид назарияларнинг ривожланиши таҳлил қилиниб, Шарқ мутафаккирлари асарларида инсонга муносабат масаласига оид фикрлардан мисоллар келтирилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, Омбудсман, инсон ҳуқуқлари, имплементация, ҳуқуқий мерос, миллий стратегия.

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

Аннотация. В статье рассматривается роль прав человека в развитии общества. Уделяется особое внимание основным механизмам защиты прав человека международных правовых актов. Анализируется развитие теорий прав человека в истории правовых учений, приводятся примеры идей по проблеме человеческих отношений в трудах восточных мыслителей. Научно изучаются права человека в восточной и западной социально-философской мысли.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, Омбудсмен, права человека, реализация, правовое наследие, национальная стратегия.

SOCIO-PSYCHOLOGICAL FACTORS PROTECTION OF HUMAN RIGHTS

Abstract:The article discusses the role of human rights in the development of society. Particular attention is paid to the main mechanisms for the protection of human rights in international legal acts. The development of human rights theories in the history of legal doctrines is analyzed, examples of ideas on the problem of human relations in the works of Eastern thinkers are given. Human rights are scientifically studied in Eastern and Western socio-philosophical thought.

Keywords. New Uzbekistan, Ombudsman, human rights, implementation, legal legacy, national strategy.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқлари етакчи ўринни эгаллаши умумэтироф этилган далилдир. Инсон ҳуқуқлари масаласининг ҳар қандай цивилизациялашган, адолатли фуқаролик жамиятини қуришдаги ролини камайтириб бўлмайди. Демократик, ҳуқуқий давлат қуришнинг бош шарти асосий ҳуқуқ ва эркинликларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини кафолатлашнинг ҳақиқий тизимини яратиш ҳисобланади.

Замонавий дунёнинг ривожланиши ўзига инсон ҳуқуқлари муаммосининг ечилишини уйғунлаштириб келмоқда. Уларнинг юксак кадриятини тан олиш ва уларга амал қилиш давлатларнинг ички ишларида демократизмнинг рамзига айланиб қолди ва бу эса, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг цивилизациялашганлигини англатади. Бу ҳол қонунийдир ва тушунарли. Инсон ҳуқуқлари ўзида сайёрамизнинг глобал муаммоларини, яъни ядровий хавф ва экологик йўқ бўлиб кетиш, каби омилларни ҳам акс эттиради. Бу тушунчалар умумбашарий эзулик, одиллик, озодлик, тенглик, демократизм, меҳрибонлик тушунчаларини акс эттириб, шахснинг давлат билан муносабатларида устувор ўринни асос қилиб олди.

Ҳуқуқий давлат — бу инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар бўйича яшовчи, тегишли қонунларга эга бўлган, самарали давлат тизимига эга ва инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида аниқ маълумотга эга, энг муҳими шу ҳуқуқларга эҳтиёж сезадиган фуқароларга эга давлатдир.



Давлат, унда инсон ҳуқуқлари қанчалик даражада тан олиниши, амал қилиниши, ва ҳимоя этилишига қараб, шунчалик ҳуқуқий деб аталиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари ва юридик фанлар. Ҳуқуқшунослик инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг юридик жиҳатларини ўрганади. Бошқа сўз билан айтганда, юридик фанлар инсонни у давлат-ҳуқуқий муносабатларга, турли ижтимоий алоқаларга киришганда ўрганади. Уларга моддий ва процессуал ҳуқуқларни киритиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари ва фалсафа. Фалсафа — бу табиат, онг ва жамиятнинг умумий ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фандир. Бу — онг ва борлиқнинг умумий принциплари ҳақидаги билимлар тизимидир. Ижтимоий ҳодисалар тизимида инсон ҳуқуқларининг моҳияти, қўлланиши, табиатини ўрганиш, шубҳасиз фалсафий асосларга ҳам эга.

Инсон ҳуқуқлари ва политология. Политология сиёсий жараёнлар, сиёсий бирлашмалар, сиёсий ва давлат ҳокимиятига эришишнинг йўлларини, шахс, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларни ўрганади. Политология инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масаласини сиёсий муносабатлар орқали ўрганади.

Инсон ҳуқуқлари ва социология. Социология — бу жумладан глобал (бутун жамият) ва хусусий ижтимоий тизимларнинг ривожланиши, иш юритишига доир қонуниятларни ўрганувчи фандир. Социология турли ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва инсонлар ижтимоий хатти-ҳаракатининг умумий қонуниятларини ўрганади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам социологиянинг объекти ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари ва иқтисодий фанлар. Иқтисодий фанлар: ишлаб чиқариш муносабатлари, хўжалик ҳаётини ташкил этиш, хўжалик соҳалари, меҳнат муаммолари, молия ва бошқаларни ўрганади. Иқтисод ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги фаннинг яқин муносабати инсон ҳуқуқлари ва иқтисод ўртасидаги боғлиқликни очиб беришга хизмат қилади. Инсон ҳуқуқлари муаммоси бошқа фан соҳалари томонидан ҳам ўрганилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, «инсон ҳуқуқлари» — бу универсал фан бўлиб, «умум эътироф этилган инсон ҳуқуқлари» нафақат ахлоқий, балки сиёсий ва юридик тушунчадир.

Ўзбекистон Конституциясининг II боб, 13-моддасида таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади” [1]. 1995 йил 23 февраль куни МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Омбудсман институти жорий этилди.

Миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига халқаро стандартларни тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўз модели, инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши мониторинги миллий тизими шакллантирилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузасини тинглаган давлат раҳбарлари, дунё жамоатчилиги Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ўзгаришларга ўз баҳосини берди. Бу эса, мамлакатда давлат, жамият ва фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг тамойиллари ва кадриятларига эътиборини кучайтириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган самарали тадбирлар амалга оширилаётганидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида тузилма раҳбарлари билан учрашувлари чоғида 2018 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳрида инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумини ўтказиш ташаббусини билдирганлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Эътиборли томони шундаки, БМТ ташкил этилганидан кейинги 70 йил давомида Осиё минтақасида биринчи марта ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми яқунлари бўйича инсон ҳуқуқлари ҳимояси юзасидан Самарқанд декларациясининг қабул қилинди. Бу эса, юртимизда инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўлида амалга оширилаётган ислохотлар натижасидир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратиш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ижро этиш мақсадида 22 июнь 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони [2] тасдиқланди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатнинг тайёрланиши жараёнида 50 дан ортиқ давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим қилинган 200 дан зиёд таклиф ва мулоҳаза



ҳисобга олинди. Фармонга мувофиқ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланади.

Миллий стратегияни тасдиқлашдан мақсад – мамлакатда турмуш даражаси ва фаровонликни оширишнинг муҳим ва зарурий шарти, давлатнинг жаҳон майдонидаги рақобатбардошлиги, унинг барқарор ривожланиши ҳамда демократик янгилини шарти сифатида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий вазифалари ва йўналишларини белгилаб олишдан иборат.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида ишлаб чиқилган мазкур концепция олти бўлимдан иборат бўлиб, миллий стратегиянинг асосий вазифалари 14 пунктдан иборат ҳолда кўрсатиб берилган. Белгиланган вазифаларни амалга оширишда фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти алоҳида ўрин тутди. Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, жумладан бу борада ахборот тарқатиш, таълим бериш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича устувор йўналишлар ҳам миллий стратегияда ўз аксини топган. Бу борада хусусан, партиямиз сайловолди дастурида кўрсатилган вазифалар, яъни жамиятда ҳуқуқий, сиёсий онг ва маданиятни ошириш орқали қонун устуворлигини таъминлаш; ҳуқуқий, сиёсий онг ва маданиятни умумжамоа маданиятининг ажралмас таркибий қисмига айлантириш; қонунларга риоя этиш қўникмасини шакллантиришда оила, таълим-тарбия масканлари, маҳалла, жамоатчилик институтлари имкониятларидан фойдаланишга қаратилган механизмларни яратиш; халқимизнинг сиёсий жараёнларда бевосита ва билвосита иштирокини юқори даражага кўтариш; қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаларида аҳолининг фаол иштирокини кенгайтириш; коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий ва жавобгарликнинг муқаррарлиги усулларини танлаш, одамлар онгида коррупцияга мурасиз муносабатни шакллантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бевосита стратегияда кўрсатилган вазифаларни амалда қўллашда ўз ўрнига эга.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда Омбудсман институтининг роли бекиёс. Хусусан, янги Ўзбекистон шароитида инсон қадр-қиммати олий қадрият сифатида тараннум этилар экан, бу борадаги ислохотлар жаҳон ҳамжамиятини ҳам эътиборини жалб этмоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини қатъий ҳимоя қилмасдан ва амалда таъминламасдан туриб, жамиятни демократлаштириш мумкин эмас. Шундан келиб чиқиб, АҚШнинг Вандергил Университети қошидаги маориф бўлими чоп этган (ўзбек тилига ўгирилган.-Т.1993 йил) “Демократия нима?” рисолида демократик жамиятда “Асосий инсон ҳуқуқлари” қуйидагича ифодаланади: сўз, ўз фикрларини ифодалаш ва матбуот эркинлиги; диний эътиқод эркинлиги; мажлислар ва уюшмалар эркинлиги; қонун олдида тенг ҳимоя ҳуқуқи; қонунга риоя қилиш ва адолатли суд юритиш ҳуқуқи [16].

“Миллий юксалиш” – мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури, ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтариш йўлидаги ҳаракатдир. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсонлар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмоқда. Жамиятда «Янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз» деган улуғвор мақсад шаклланди ва «Жамият — ислохотлар ташаббускори» деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга фаол кириб бормоқда.

Мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик, қийноққа солишнинг барвақт олдини олиш, у билан боғлиқ мурожаатларни тезкор равишда ҳолисона кўриб чиқиш, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга мониторинг ташрифларини мунтазам амалга ошириш бўйича самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 26.06.2021 йил ПФ-5163-сонли Қарори [3] эълон қилинган эди. Мазкур Қарорга мувофиқ, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузуридаги эксперт гуруҳи негизида Омбудсман ҳузуридаги Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг асосий вазифалари кўрсатиб берилди.



Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2018. (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. Т.: 2018).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 22.06.2020 йил ПФ- 6012-сон Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 22, 2020 No. PD-6012 “On approval of the strategy of the Republic of Uzbekistan on human rights”).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 26.06.2021 йил ПФ-5163-сонли Қарори. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 26, 2021 No. PD-5163 “On additional measures to improve the system for detecting and preventing cases of torture”).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10.09.2021 йил ПФ-6312-сонли Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 10, 2021 No. PD-6312 “On measures to improve the activities of the Commissioner of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan for Human Rights (Ombudsman).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 28.01.2022 йил ПФ-60-сон Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 No. PD-60 “On the development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026”).
6. Мирзиёев Ш.М. – Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: «O`zbekiston» нашриёти, 2021.- 264 б. (Mirziyoev Sh.M. - New strategy of Uzbekistan. - Tashkent: Publishing house "Uzbekistan", 2021. - 264 p.).
7. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. Т.14. –Тошкент: Фан, 1998. (Alisher Navoi. Mahbub ul-kulub. Т.14. – Tashkent: Fan, 1998.).
8. Хусейнова, А. А. (2010). Торговля людьми: попытка противодействия. Социологические исследования, (11), 150-151. (Khuseinova, A. A. (2010). Human trafficking: an attempt to counteract. Sociological Research, (11), 150-151.).
9. Холова, Э. Х., & Хусейнова, А. А. (2012). Закон Республики Узбекистан "О противодействии торговле людьми". Современные научные исследования, (12), 1-1. (Kholova, E. Kh., & Khuseinova, A. A. (2012). The Law of the Republic of Uzbekistan "On counteraction to trafficking in persons". Contemporary Scientific Research, (12), 1-1.).
10. Xuseynova, A. (2020). Роль женщин в социально-политической жизни общества. Центр научных публикаций (buxdu.uz), 1(1). (Xuseynova, A. (2020). The role of women in the socio-political life of the society. Center for scientific publications (buxdu.uz), 1(1).
11. Хусейнова, А. (2021). Янги Ўзбекистон шароитида одам савдосига қарши курашнинг маънавий ва ҳуқуқий асослари. Общество и инновации, 2(6/S), 179-187. (Huseynova, A. (2021). Moral and legal foundations for combating human trafficking in the new Uzbekistan. Society and Innovation, 2(6/S), 179-187.).
12. Хусейнова, А. А. (2021). Аёлларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни. Взгляд в прошлое, (SI). (Khuseinova, A. A. (2021). The role of a woman in social and political life. Looking into the past, (SI).).
13. Абира Хусейнова. Духовные и правовые основы борьбы с торговлей людьми в контексте нового Узбекистана // ОИИ. 2021. №6/S (Abira Huseynova. Spiritual and legal foundations for combating human trafficking in the context of the new Uzbekistan // ОИИ. 2021. №6/S).
14. Таджихонов У. Ҳуқуқий маданият назарияси. 4-жилд. – Т.: Адолат, 1998. 28-б. (Tadjikhonov U. Theory of legal culture. Volume 4 - Т.: Adolat, 1998.).
15. Асмус В.Ф. Античная философия. Учебн. пособие Изд. доп. М. “Высшая школа”, 1976, с 382. М. Назаров // Қонун ҳимоясида”// 1998 №8 25-бет. (M. Nazarov // Under the protection of the law // 1998 No. 8 25-p.).





Мундарижа/Содержание/Contents

№		bet
		стр
		page
1	Козлов Владимир Васильевич	3
	Личность, активность, самосознание	
	Shaxsiyat, faollik, o'z-o'zini anglash	
	Personality, activity, self-awareness	
2	Теляковская И.Л.	7
	Психологические особенности профессиональной карьеры у менеджеров по продаже	
	Savdo menejerlari kasbiy o'sishning psixologik xususiyatlari	
	Psychological features of a professional career with sales managers	
3	Хусейнова Абира Амановна	10
	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ижтимоий-психологик омиллари	
	Социально-психологические факторы защиты прав человека	
	Socio-psychological factors protection of human rights	
4	Шоумаров Файрат, Қодиров Умарали	14
	Ўзбекистонда миллий-психологик ва ҳудудий муаммолар	
	Национально-психологические и территориальные проблемы в Узбекистане	
	National psychological and territorial problems in Uzbekistan	
5	Нурмаматов Абдумалик Шерматович	19
	Ўқувчиларда танқидий тафаккур ёхуд креативлик масаласи	
	Проблема критического мышления или творчества у учащихся	
	The problem of critical thinking or creativity in students	
6	Абдиназарова Нилуфар Эшназаровна	22
	Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ижтимоий мослашувининг психологик таҳлили	
	Психологический анализ социальной адаптации воспитанников детского дома	
	Psychological analysis of social adaptation children of the children's home	
7	Амонова Санобар Хамиджоновна	28
	Психологияда копинг-стратегия муаммосини ўрганишнинг илмий-амалий масалалари	
	Научно-практические вопросы изучения проблемы копинг-стратегии в психологии	
	Scientific and practical issues of studying the problem of coping strategy in psychology	
8	Бекмуродова Ҳафиза Номоз қизи	31
	Ўсмирларда касбий тушунчалар шаклланганлигини тадқиқ этиш методлари таснифи ва диагностикаси	
	Классификация и диагностика методов исследования сформированности профессиональных понятий у подростков	
	Classification and diagnosis of research methods for the formation of professional concepts in adolescents	
9	Ёзиев Эркин Саъдуллаевич	35
	Раҳбарнинг бошқарув услубини тўғри танлаши – жамоани самарали бошқаришнинг муҳим омили сифатида	
	Правильный выбор стиля управления руководителя – важный фактор эффективного управления коллективом	
	The right choice of the management style of the leader is an important factor of effective team management	



Bizning yangilangan saytimizga tashrif buyuring
PSIXOLOGIYA.BUXDU.UZ

Saytimizda maqolalarni o'qishingiz va ularni elektron nusxasini yuklab olishingiz mumkin



<p>PSIXOLOGIYA ilmiy jurnal 3-son (51) Buxoro – 2022. 164 b.</p> <p>PSIXOLOGIYA научный журнал. Выпуск 3. (51) Бухара – 2022. – 164 с.</p>	<p>Jurnal O`zbekiston psixologlarining BuxDU muassisligidagi nashri hisoblanadi.</p> <p>Jurnalning nashr sifati uchun bosmaxona javobgar.</p> <p>OBUNA INDEKSI 3062</p>	<p>Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Bosishga ruxsat etildi</p> <p>Qog`oz bichimi 60x84, 1/8 Tezkor bosma usulda bosildi. Shatrlı bosma tabog`i - 28 Buyurtma №123. Adadi – 50 Bahosi kelishilgan narxda. “Sharq Buxoro” MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Buxoro sh. M. Iqbol, 11-uy.</p>
----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK
Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi
201/3-sonli qarori bilan psixologiya
fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari
ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy
maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan
ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.*

ISSN 2181-5291



9 772181 529113

11